

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI
QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI
MAGISTRATURA BO‘LIMI
PEDAGOGIKA KAFEDRASI**

Qo‘lyozma huquqida
UDK

Begmatova Sevaraning
5A110901 - Pedagogika nazariyasi va tarixi
mutaxassisligi bo‘yicha magistr akademik darajasini olish uchun
**O‘SMIR YOSHLARDA IJTIMOIIY BURCH VA IFTIXOR
TUYG‘ULARINI SHAKLLANTIRISH YO‘LLARI VA VOSITALARI**
mavzusida yozilgan
MAGISTRLIK DISSERTATSIYASI
Илмий раҳбар: р.ф.н., dots. Н.Э.Джумаева

DAKda himoya qilishga ruxsat berilgan
Magistratura bo‘limi boshlig‘i:

_____ “ _____ ” _____ 2017 yil

Pedagogika kafedrası mudiri:
_____ dots. Djumayeva N.E.

QARSHI - 2017

**МАВЗУ: ЁСМИР ЁШЛАРДА ИЖТИМОЙ БУРЧ ВА ИФТИХОР
ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**
М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....

**1-БОБ. ЁСМИРЛАРДА БУРЧ ВА ИФТИХОР ТУЙГУЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ.....**

1.1. Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш масаласининг ўрганилганлик ҳолати.....

1.2. Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш муаммоси долзарб ижтимоий педагогик зарурат сифатида

1 – боб бўйича хулоса.....

**2-БОБ. ЁСМИРЛИК ДАВРИДА ИЖТИМОЙ БУРЧ ВА ИФТИХОР
ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ.....**

2.1. Ёсмирлик даврида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш омиллари.....

2.2. Ёсмирлик даврида бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантиришнинг тамойиллари.....

2.3. Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш методлари.....

2 – боб бўйича хулоса.....

**3-БОБ. ЁСМИР ЁШЛАРДА ИЖТИМОЙ БУРЧ ВА ИФТИХОР
ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ.....**

3.1. Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш бўйича тажриба – синов ишларини ташкил этиш.....

3.2. Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш бўйича тажриба – синов ишлари натижалари.....

3 – боб бўйича хулоса.....

Умумий хулоса ва тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Иловалар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши энг аввало, келажак авлоднинг ким бўлиб этишиши, уларнинг билим савияси, маданияти ва маънавиятига боғлиқдир. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ёш авлоднинг таълим-тарбия жараёнига катта эътибор қаратилмоқда. Республикамизда таълим-тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, юксак маънавиятли шахслар тарбиялаш, юрт келажagini ўйлайдиган ўз Ватани ва халқига содиқ, ватанпарвар, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга инсонларни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Чунки, давлатимизнинг бош мақсади- озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида албатта, ҳар томонлама ривожланган баркамон ёш авлодга таянамиз.

Шу боисдан, ўқувчи - ёшлар Ўзбекистон - ягона Ватан эканлигини,, Ватанни асраш миллий бурчлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳалол меҳнат қилиши, яхши ўқиши, ҳунар ўрганиши орқали халқимиз нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши мумкинлигини тушуниб этмоғи зарур. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон - муқаддас Ватан, ота-боболаримиз ётган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборок заминнинг ҳар фазилятларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Дарҳақиқат, дунёда шундай бир буюк сўз борки, у инсон юрагидаги илоҳий нур каби доим ёрқинланиб туради, нур тараб танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Бу азиз "Ватан" сўзидир, у мўътабар "Она" сўзи билан ёнма-ён туради. Дунёда она битта, Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. ... Ватанни энг суюкли зот таърифи билан ифода этиб "Она-Ватан" деймиз» [18,43]

“Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”. [19,67]

Миллий ўз-ўзини англаш - шахс томонидан миллий мансублик, ушбу

миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш, у мансуб бўлган миллатга хос ва ижобий характер касб этувчи этнопсихологик хусусиятлар, миллий кадриятлар ва улар мазмунида илгари сурилган ғоялар моҳиятини тушуниш ва уларга мувофиқ ижтимоий фаолиятни ташкил этиш жараёни демак.

Ижтимоий бурч ва ифтихор - муайян миллатга мансублик ва ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган миллатга садоқатли бўлиш ҳиссини туйиш ва бу йўлда амалий фаолият кўрсатишдан иборатдир.

Ватанпарварлик - Ватан олдидаги масъулият ва бурчни англашдир. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англаса, кишиларда ватанпарварлик тушунчаси шунча баланд бўлади. Ҳақиқий ватанпарварлик - миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида меҳнат қилиш ҳамда курашишдир.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгани туфайли аجدодларимиз қолдирган бой маънавий-маданий меросни ўрганиш ва уни қайта тиклашга эришилмоқда. Ўзбек алломаларимизнинг бизга мерос қолдирган асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий ғоялар инсонлар руҳияти ва маънавияти тараққиётида, ёшларда эзгулик ва ифтихор туйғусининг ривож топишида муҳим восита бўла олади.

Ўқувчи-ёшларнинг аجدодлар, шунингдек, бугунги давр қаҳрамонларининг фаолияти, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, маданияти, санъати, фан-техника, ишлаб чиқариш соҳаларида эришилаётган ютуқлари билан фахрланиш, ғурурланиш, ифтихор этиш туйғусини қарор топтириш узлуксиз таълим тизими олдига қўйилаётган муҳим ижтимоий вазифалардандир. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишлари уларнинг халқ, миллат ва ватан тарихини чуқур билишлари, аجدодларга муносиб авлод бўлиб вояга этишларини таъминлаш билан бирга, ватанпарвар инсонга хос муҳим маънавий-ахлоқий сифатларни намоён эта олишлари учун ҳам шароит яратади. Зеро, ватанпарвар инсонни тарбиялаб

вояга этказиш республикада амалга оширилаётган ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади этиб белгиланган. Ватанпарварлик миллий ўзликни англаш негизида шаклланувчи маънавий-ахлоқий сифатлардан бири эканлигига эътиборни қаратган ҳолда Республикамизнинг биринчи Президенти И. А.Каримов қуйидаги фикрларни илгари сурганди: “Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, ўз эрига, табиатга, бу эрда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли Ўзбекистон жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади”. [19,79]

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари кўрсатиб берилган учинчи бандида миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-маданий ва тарихий анъаналарга, халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурматни қарор топтириш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, она-Ватанга муҳаббатли, ўз ватанига нисбатан ижтимоий бурч ва ифтихорга эга ёшларни тарбиялашнинг жамият тараққиётидаги роли ва унинг ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамиятини англаган ҳолда, таълим-тарбия жараёнига инновотсион ёндашувни талаб қилмоқда. Бу улуғ мақсадни рўёбга чиқариш таълим тизимида ўқитувчилар олдида ўз ишига ижодий ёндашиш, ҳар бир ишда юксак самарадорликка эришиш методик усуллари ўйлаб топиш ҳамда уни таълим тизимига тадбиқ этишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Республика Олий Мажлисининг VIII сессиясида қилган маърузасида ўн икки йил давомида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самарадорлиги ёшларда Ватан истиқболи ва миллат,

халқнинг эртанги кунига бўлган ишончни қарор топтиришга хизмат қилишини таъкидлаб шундай деганди:

“Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан халқаро майдонда обрў-еътибор қозонган, эртанги кунга ғурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган халқнинг вакиллари, шундай мард ва танти халқнинг фарзандларимиз. Мана шундай олижаноб туйғулар билан, тарих олдида, халқимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим. Бизнинг эндиги вазифамиз - мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага этказиш ва “Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!” деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдан иборат».

Магистрлик диссертатсия ишининг объекти.

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш жараёни.

Магистрлик диссертатсия ишининг предмети.

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш мазмуни, тамойиллари, босқичлари, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг мақсади:

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш орқали илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Тадқиқот мавзусига доир ижтимоий-тарихий, педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари хужжатлари билан танишиш;
2. Педагогик кузатиш орқали ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эгаликларининг мавжуд даражасини баҳолаш;
3. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини самарали шакллантиришга имкон берувчи шакл, метод ва воситаларни белгилаш;

4. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг анъанавий ва ноанъанавий дарс жараёнидаги ўрнини аниқлаш;

5. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш хусусиятларини ўзида акс эттирувчи инновацион педагогик тавсияларни ва улардан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг илмий фарази

Агар ўсмирларнинг таълим-тарбия жараёнида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришни амалга оширишда

- ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг босқичлари, илмий назарий педагогик асосларини ва уларга қўйиладиган педагогик талаблар белгилаб олинса;

- уларнинг ёш хусусиятларига хос индивидуал-психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, таълим жараёни изчиллик, ўзаро алоқадорликда педагогик жиҳатдан тўғри ташкил қилинса;

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш хусусиятларини ўзида акс эттирувчи тавсиялар ишлаб чиқилса ва амалиётга жорий этилса таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва самарадорлиги янада ортади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг назарий асослари;

2. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда анъанавий ва ноанъанавий таълим-тарбия восита, шаклларига янгича ёндашиш босқичлари, метод ва воситалари;

3. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда тарбия технологияларидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларда фаоллик, онглилик, мустақил фикрлаш кўникмалари таркиб топтириш

4. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришдаги инновацион педагогик технологияларга қўйиладиган педагогик талаблар.

5. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ижтимоий бурч ва ифтихорни

шакллантириш хусусиятларини ўзида акс эттирувчи илмий педагогик тавсиялар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Бугунги кунда ёшлардаги миллий руҳият, инсоний фазилатлар, маънавият, жамиятни маънавий юксалтиришдаги иштироки уларнинг баркамол инсонлар бўлиб этишиши учун асос бўлади. Баркамол ёшлар тарбияси тарихий аҳамиятга эга. Улуғ мутафакирларимизнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрларидан фойдаланиш бугунги тараққиёт учун, ёш авлодни камолоти учун муҳим эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Шу боис ҳам Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги қарашларидан турмушда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Буюк сиймолар меросидан таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳамда ўқувчи ёшларнинг ижтимоий этуклигини шакллантириш, комил инсонни вояга этказиш каби масалаларга қаратиш ижобий натижалар беради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов [18-32] асарларида миллий-маънавий қадриятлар ва уларнинг ижтимоий-маънавий аҳамияти, уларга нисбатан тарихий ёндашув, мустақиллик йилларида миллий қадриятларни қайта тиклаш йўлида олиб борилган амалий ҳаракатлар мазмуни ҳамда шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларининг намоён бўлиши каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон мустақиллик даврида умумий тарзда барча таълим-тарбия муассасаларида, якка тартибда касб-хунар коллежлари тизимида таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган янгича инноватсион ёндашиш, янги педагогик технологияларидан ўринли фойдалана билиш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, бу борада ўзбек олимларидан К.Н.Азизхўжаев, М.Имомназаров, Ғайбулла Саламов, М.Хожиева, С.Очилов, С.Мусурмонова, Д.Рўзиева каби қатор олимлар томонидан таълим тизимида таълим-тарбияни ташкил этиш шакллари ва уларни таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда тутган ўрни, масалаларининг

илмий- методик жиҳатларининг асоси ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси руҳида ёндашишда интерактив услублардан, янги педагогик ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларини бўлғуси касб эгаларининг тафаккурида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришдаги ўрни каби муаммоларни очиб беришга эътибор қаратилганлиги асосида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор илмий амалий мулоҳазалар тасдиқлаганлиги аниқланди.

Айнан, тадқиқот ишимизнинг мавзуси ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантирувчи анъанавий ва ноанъанавий дарслар ва уларни такомиллаштириш масалаларига йўналтирилган экан, бу жараёни тарихий шаклланиш илдизлари, турли ижтимоий тузум даврларида таълим мазмунини ва тарбиявий йўналганлик ҳолатини очиб берувчи манбаларида: О.Ҳасанбаева, О.Тураева, Ж.Ғ.Юлдашев, А.К.Мунавваров, Ф.А.Жумабоев, И.Р.Мирзаев, С.Р.Ражабов, Г.М.Билолов, С.Шермуҳаммедов каби олимларнинг ишларида турли даврларда таълим-тарбия тизимида ўринли шакллардан фойдаланиш мазмун моҳиятини очиб берувчи масалалари таҳлилидан ҳам фойдаланиш, тадқиқот ишимизнинг мавзусини талабга асосан очиб бериш имконини яратди. Шу каби бир қатор илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш магистрлик диссертатсиямизнинг долзарб, замонавий мавзу эканлигини тасдиқлайди.

Магистрлик диссертатсиясининг методологик асоси:

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун каби меъёрий ҳужжатлар, Президентимиз И.А.Каримовнинг баркамол шахс шаклланишига йўналтирилган фикрлари нутқи, маърузалари, рисоалари, шарқ мутафаккирларининг ёшларни ижтимоий бурч ва ифтихор руҳида тарбиялаш ҳақидаги ёндашувлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли Қарори. Магистрлик диссертатсияси мавзусига доир турли соҳа мутахассисларининг илмий асарлари, тарихий, педагогик манбалар

диссертациянинг методологик асоси ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг илмий текшириш методлари:

- мавзуга доир ҳужжатларни ўрганиш;
- педагогик кузатиш;
- анкета;
- суҳбат;
- педагогик тажриба;
- математик статистика.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти:

- Ўсмирларда Ватанга бўлган муҳаббатни тарбиялаш шунингдек, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш жараёнида тадқиқотда келтирилган қоидалар, хулоса ва тавсиялардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари ва материалларидан таълим тизимининг барча муассасаларида ўқитилаётган назарий ва амалий машғулотларда, тарғубот ва ташвиқот ишларида кенг фойдаланиш мумкин.

I. Ўсмирларнинг тафаккурда ижтимоий ҳаёт тарзи ўзгариб бориши билан ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг шаклланиб боради. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шароитида ўзгаришлар, ёшларни баркамол, соғлом шахс сифатида шаклланиши, уларни касб-хунар эгалари бўлишидада Президентимиз И.Каримов ва Давлат ғамхўрлиги таълим-тарбия тизимида ўзига хос ўзгаришларни содир қилинганлиги, янги ҳаёт янгича миллий ғурур, ватанпарварлик туйғусини шакллантирганлиги каби йўналишлар мазмун-моҳиятини янгича услуб, восита ва шакллар асосида изоҳлаб берилиши ёшлар тафаккур мазмун моҳиятини янада бойитиб боради.

- Магистрлик диссертациялари натижаларидан касб-хунар коллежларининг барча ўқитувчи “Камолот” ЙИХ ташкилоти каби жамоа аъзолари ўзларининг таълим-тарбиявий педагогик фаолиятларида фойдаланишлари “Миллий истиқлол ғояси”, “Маънавият асослари”, “Педагогика”, “Оила психологияси”, “Етика” каби фанларнинг мавзуларини

ёрита беришда диссертатсияда келтирилган намунавий тажрибалар асосида фойдаланиб дарс ва синфдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирлар самарадорликларини ошириш, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотимизнинг илмий янгилиги:

- мавзу асосида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган анъанавий ва ноанъанавий таълим-тарбиявий тадбирлари яқка ва жамоа тартибида таққослаш уларни таъсир қилиш самарадорлиги даражасини аниқлаш ;
- ўрта махсус, касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда ижтимоий бурч ва ифтихорни шакллантириш тарбия технологияларини педагогик жараёнга тадбиқ қилиниши бўйича методик тавсияларнинг ишлаб чиқиш;
- касб-хунар коллежлари таълим жараёнида ижтимоий тараққиёт натижасига кўра ифтихор тушунчасини ўзгариб, ижтимоий бурч ва ифтихор тушунчасини шакллантириб бориши асосларини аниқлаш, уларни янада такомиллаштириш бўйича Республикамизда амалга оширилаётган ислохатлар таъсир доирасини педагогик асосларини очиб бериш.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертатсия иши бўйича 2 та мақола чоп этилган.

Магистрлик диссертатсиянинг тузилиши:

Магистрлик диссертатсияси: 3та боб, 6 та параграф, ҳар бир бобга хулоса, умумий хулосалар, тавсиялар, илова, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ЎСМИРЛАРДА БУРЧ ВА ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш масаласининг ўрганилганлик ҳолати

Мустақиллик туфайли халқимизнинг маданий-маънавий меросимизни асрашга кенг йўл очилди. Миллий мерос моҳиятини англашгина эмас, шу билан бирга уни ривожлантириш учун имкониятлар яратилди. Жуда кўплаб илмий, бадиий, тарихий, фалсафий асарлар, қадимий қўлёзмалар кетма-кет қайта нашр қилинмоқда. Бизгача етиб келган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Буюк алломаларимиз томонидан яратилган ва ҳар хил сабаблар билан республикадан ташқарига ташиб кетилган, миллий бойлик, ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган санъат асарларини, қимматли қўлёзмаларни излаб топиш, ўз она-ватанига қайтариш чоратadbирлари кўрилмоқда: “Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил қилади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асрашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак” [15, 52-53-бетлар].

Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги қадриятларимиз бизлар учун бебаҳо миллий мерос, маънавий бойликдир. Ана шу миллий қадриятларни тиклаш, улардан фойдаланиш, ёш авлодга этказиш мустақилликни мустаҳкамлашда, унга қаршилиқ қиладиган ҳар қандай кучга зарба беришда, фарзандларимизда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда дастури амал бўлади, деган фикрдамиз. Билимларни пухта эгаллашга интилиш, устозларни ҳурмат қилиш, одамгарчилик, мардлик, камтарлик, ҳақиқатпарварлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатларни улуғлаш борасида ҳам бошқалар ибрат олиши мумкин бўлган қадриятларимиз жуда кўп.

Миллий қадриятларимизда билим, айниқса, билимдонлик улуғланади.

Билим энг катта бойлик эканлиги, дунёда ундан кадрлироқ нарса йўқлиги тўғрисида қадимги ҳинд халқининг «Калила ва Димна», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисровнинг «Саодатнома», «Рўшнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб-ул кулуб» каби машҳур асарларида муҳим фикрлар айтилган.

Ўзбек миллати маданияти ва тарихида инсонни илм асосларини билиб олишга чақирмаган, билимнинг хосияти ҳақида ёзмаган бирорта шоир, ёзувчи ёки олим бўлмаса керак. Буюк бобокалонларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг қаламларига мансуб асарларнинг ҳар бири инсоният учун мислсиз бойлик, битмас- туганмас хазиналар қонидир. Булар ва ўзбек миллатининг фаҳри, ифтихори бўлмиш бошқа донишмандларимизнинг илмий, бадиий, тарихий, фалсафий, тиббий, ахлоқий, ҳуқуқшуносликка оид ва бошқа бир қатор асарлари ҳозирги ёшларимиз ва келажак авлоднинг ҳам истиқболини илм-маърифат нурлари билан ёритиб туради. Зехн- заковатда, ақлу-идрокда, илм-фанда тенги йўқ, буюк кашфиётлари билан дунёни лол қолдирган мутафаккирлар, машҳур кишилари борлиги билан ўзбек халқи қанча фахрланса, ифтихор қилса арзийди!

Ўзбек халқига авлод-аждодлардан буюк анъана, миллий мерос бўлиб ўтиб келаётган илм-фанга ўчлик, маданиятга талпиниш, одоб-ахлоқ қоидаларини чуқур ўзлаштириб ҳаётга татбиқ этишга интилиш, билимини ошириш, тафаккурини ўстириб бориш каби хислатлар - миллатнинг фаҳри, ифтихоридир. ХИИ асрнинг истеъдодли шоири ва донишманди Аҳмад Югнакий «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») асарида илмли ва илмсизнинг, олим ва жоҳилнинг фарқли томонларини шундай очиқ беради: «...билимдон кишиларга ўзингни боғла. Билим билан бахт- саодат йўллари ўрганилади, билим эгаллаб, саодат йўлини топ. Билимли киши қимматли олтиндир. Жоҳил, билимсиз кишилар арзимас қалбаки (ақча)дир. Билимли билан билимсиз қачон тенг бўлади? Билимли аёл эр(мард)дир, билимсиз эр аёл(заиф)дир. Суякка илик,

эр кишига илм керак. Эрнинг кўрки ақл, суякнинг кўрки иликдир. Билимсиз иликсиз суякдек бўш - курукдир, иликсиз суякка эса қўл узатмайдилар. Эр киши билим ўрганиб, билгувчи бўлиб қолади, билимсиз тирикликда кўргуликлар ичида қолади. Билимли эр ўлса ҳам оти ўчмайди, билимсиз киши ҳаёт чоғида ҳам унинг оти ўликдир» [51.42].

Маърифатнинг инсон кадр-қиммати ва иззат-еътиборини оширишдаги аҳамияти Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») номли асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрларини ўзларига ҳаёт дастури қилиб олган бирор инсон адашмайди, аллома ва унинг асарлари миллий ифтихоримиз эканлигини янаям чуқурроқ англайди: «Заковат қоронғу тундаги машъал кабидир, билим эса нур тарқатувчи ёруғликдир. Кимда заковат бўлса, ўша асил одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эришади. Билим жавоҳир каби бир эрда тўпланиб туради, у заковатнинг конидир, бир эрда жамланиб ётади. Мушк-анбар ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалардир, уларни ўзидан бўлаклардан яшириб сақлаб бўлмайди. Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошкора қилади, билимни яширсанг, уни тилинг ошкора қилади. Билим ўз соҳибини қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас боййликдир, ўғри ва қаллоблар уни ҳеч қачон ўғирлаб ола олмайди» [51.72]. Инсон қанчалик илмли, ҳунарли бўлса, шунчалик оддий ва камтар бўлади. Камтар инсоннинг обрўси ошади, дўстлари кўпаяди, ҳаммага бирдай ёқади. Камтар инсон юмшоқ, саховатли, одоб-андишали, шарм-ҳаёли бўлади.

Миллатимиз урф-одатларида, миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилар, фирибгарлар, дилозорлар, мақтанчоқлар, мунофиқлар қаттиқ қораланадилар. Камтарга

- камол, манманга завол, - дейди ўзбек халқи. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида камтарлик ҳақида шундай ёзади: “Тавозеъ дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва чамандан ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади. Тавозеъ - такаббур мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади”. Афғонистон фанлар Академияси мухбир

аъзоси доктор Абдулла Ҳабиб таниқли адиб Н.Жўраев билан бўлган мулоқотда шундай дейди: “Мир Алишер Навоий ўзбекнинг буюк фарзанди, айти пайтда у умумбашарий шахс! Амир Алишернинг хизмати ўзида башарият манфаатини мужассам этган. Бироқ унинг тили Ўзбекистон тили, миллий ифтихор учун шу жиҳатнинг ўзи этарли”.

[52.69]

Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳеч қандай эҳсон бермай каттадан-кичик, ҳаммани шод қилади, ҳеч қандай ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади. ... Тавозеъ ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради” [51.68].

Хоразмлик буюк ўзбек мутафаккири Абу Райҳон Беруний мамлакат ободончилиги илм-фаннинг гуллаб-яшнашига боғлиқ, кишининг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб таъкидлаган. Аллоҳ инсонни бахтли ёки бахтсиз қилиб яратмайди. Бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки аллоҳ инсонга ирода, ихтиёр, танлаш ва фаолият эркинлигини бериб қўйган. Ақлли ва билимлилар ўзларини ўзлари бахтли қила оладилар .

Ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, урф-одатлар, анъаналар, тарбия ҳақидаги ғоялар - ҳаётий тажрибалар ўзбек халқ педагогикасида мужассамдир. Халқ педагогикасида оғзаки ижод намунаси бўлган дostonлар ҳам тарбиявий аҳамияти жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбек халқи яратган дostonларда халқ ҳаёти, урф-одатлари, характери, миллий мустақиллик учун олиб борган кураши, ғалабага ишончи акс эттирилган.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида миллий хусусияти, яшаш жойи, урф-одатлари, анъаналари, дунёқараши, руҳият ва орзулари мужассамлашган иқтисодий ва маънавий маданиятини яратди. У яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Урф-одат, анъана ва маросимларнинг миллийлиги байналминаллик

билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг маданий анъаналари ўз миллийлигини сақлаган ҳолда бошқа халқлар анъаналари билан алоқада бойиб боради. Ҳар бир халқ ўз тарихи давомида бошқа халқлардан у ёки бу анъаналарни ўзлаштиради. Масалан, ўзбек халқи билан тожик, туркман, қozoқ халқларининг ўйини, қўшиғи, мусиқаси, либоси, тўй маросимлари, меҳмон кузатиш ва кутиш каби урф-одатларида ўхшашлик борки, бу ушбу халқларнинг ўзаро яқинлик, тотувликда яшаб келганликларининг оқибатидир.

Ўзбек миллати маънавиятининг ва тарихининг асоси ҳисобланмиш ноёб дурдона - халқимизнинг ғурури, миллий ифтихоридир. Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда маданиятимиз ва маънавиятимизнинг асоси саналмиш "Авесто"ни чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дурдонани ўқир эканмиз, унда ҳозирги халқимизда мавжуд бўлган урф-одат, анъаналаримиз билан уйғунлик сезамиз. "Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда топғуси жазоси бу дунёнинг жамики дарду-озорларидан мудҳишдир" ("Вандидод". 4-фарғард, 54-банд, 22-бет). "Авесто"да айтишларича, табиат, жамият инсон учун яратилган моддий-маънавий неъмат сифатида талқин этилиб, уни асраб-авайлашга даъват этиш қадимги маънавий меросимизнинг буюк инсонпарварлик намунаси эканлигини кўрсатади.

Белгиялик авестошунос олим Жак Дюшен Гийёман "Авесто" асарининг маънавий қийматини белгилаб шундай деган эди: "Шарқ ўғлонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Зардуштни ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Ийсо Масиҳ таълимотидан тўрт аср аввал Юнонистонни бойитди. Зардуштни Афлотун билган. Будда ва Конфутсийларнинг овози Овропага этиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлди, шунинг учун асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зардушт орқали таниш бўлганди..." [42,656].

Ўсмирларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён. Халқ ўғитлари, панд-насихатлари, миллий анъаналар, миллий қадриятлар, машҳур аллома, саркарда, санъаткор ҳаёти ва фаолиятига оид ибратли ҳодисаларни о қувчилар ўртасида ташкил этиладиган маънавий-

маърифий тадбирлар чоғида баён этиб бориш ижобий натижаларни беради. Миллий кадриятларимизнинг сермаъно, серҳикмат ғояларини ўзида жо қилган ва тарғиб- ташвиқ қиладиган халқ эртаклари, дostonлари, мақоллари, маталлари, ривоятлари, куй ва қўшиқларига эътиборни кучайтириш, уларни синчиклаб ўрганиш самара беради.

Ўсмирларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришда мактабгача болалар муассасалари, умумий таълим мактаблари, литсейлар, коллежлар, ўрта-махсус ўқув юртлари, маҳалла-қўй, ҳар хил жамоат ташкилотлари, газета ва журналлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, табиий, ижтимоий, гуманитар фанлар, санъат асарлари - барча-барчаси бир-биридан кам бўлмаган даражада ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Миллий ифтихор туйғуси мақолларда ҳам ўзига хос тарзда акс эттирилган. Ўзбек халқининг характер-хусусияти, табиати ҳақида яратилган мақоллар бир талай бўлиб, уларда ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг қатъиятли, бир сўзли, мард ва жасур, ўз ишига пухта, собитқадам ва бунёдкор ўзаро меҳр-оқибатли, ориятли, бағрикенг ва меҳмондўст бўлиши бадиий ифода этилганлиги кузатилади.

Ёш авлод нечоғлик ўз элу юрти, миллати тарихи билан фахрланса, шунча унинг қалбида ватанпарварлик туйғуси мустаҳкам қарор топади. Эли ва юрти манфаатини ўйлайдиган, унинг озодлиги ва мустақиллиги юксак равнақи учун курашадиган бўлиб улғаяди.

Юртимизда яратилган бебаҳо маънавий кадриятлар тизимининг ажралмас бир қисми ҳисобланган фолклор намуналари аجدодларимизнинг шонли тарихи билан ёш авлодни таништириши билан бир қаторда уларни юксак бунёдкорликлар сари ундайди.

Умуман айтганда, аждодларнинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, садоқатлилик, ҳалоллик, ростгуйлик, адолатлилик туйғуси билан суғорилган фолклор асарлари ҳозирги ёшларга ҳар томонлама ўрнатқ бўла олади. Ҳар бир

ёш авлод шу заминнинг, буюк аجدодларнинг вориси эканлигидан ғурурланиб, миллий ифтихор туйғуси билан яшаса арзийди.

Юртимиз мустақилликка еришгач, ўқувчи ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, ифтихор туйғуларини шакллантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, ушбу тадқиқотлар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ўсмирлар орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишларининг ижтимоий педагогик асослари (махалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари мисолида) (М.Л. Абдужаббарова. Т 2007)

- оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (М.О.Иномова. Т. 1998);

- ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг педагогик асослари (бошланғич синф ўқувчилари мисолида) (Ф.О.Ходжиева. Т. 2008);

- ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш (умумий ўрта – таълим мактабларидаги маънавий – маърифий жараён мисолида) (Ш.А.Акромова. Т. 2012);

- касб – ҳунар коллежи ўқувчиларини маънавий – ахлоқий тарбиялаш назарияси ва амалиёти (Ш.Ш.Олимов. Т 2012),

- Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари (қорақалпоқ мактабларининг VII-IX синфлари мисолида): Қурбониёзова З.К t 2002;

- Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида) Т.: 2004, Қосимова З.Х

- Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш; Ортиқов Н t 2000

- Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий педагогик хусусиятлари; Махмутова Г.И Т.: 2004

- Миллий маънавий мерос асосида университет талабаларида хулқ-одоб фазилатларини тарбиялаш

С.Нишонованинг илмий изланишларида Шарқ Уйғ'ониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси масаласи о'рганилган. Ишда асосий еътибор Шарқ Уйғ'ониш даврида Мовароуннахр ва Хуросонда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини таҳлил етиш асосида уларнинг баркамол инсон тарбияси то'ғ'рисидаги таълимотларида илгари сурилган умумий қарашлар, шунингдек, хусусий ёндошувларни аниқлаш, уларни маълум тизимга солишга қаратилган. Муаллиф «баркамол инсон» тушунчасига қуйидагича таъриф беради: «баркамол инсон - бу о'злигини, о'з қобилиятини ҳар томонлама намоён ета оладиган, ақлан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга ега бо'лган, маънавий юксак, ахлоқан пок, жисмонан соғ'лом, ҳаёт го'залликларини ҳис ета оладиган еркин, ижодкор шахсдир» .

С.Очилов қаламига мансуб бо'лган "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари" асарида О'збекистон мустақиллиги даврида амалга оширилаётган ислохотлар, ро'й бераётган тарбиявий жараёнлар ёритилган. Муаллиф шу о'ринда қуйидаги фикрни илгари суради: "Тарбия бериш деганда ... о'йин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм о'рганиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларининг сиёсий ё'синда тушунтиришни, қолаверса, шахсий о'рнатқоқ қилиш ҳолатини тушунмоқ ва билмоқ; лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак" дейди .

Унинг фикрича, "Инсон асосан икки ё'л билан тарбияланиши лозим: бировларнинг бевосита таъсири, яъни, о'ргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, о'ғитлари ва асарларини о'қиб о'қитиб инсон о'зининг фикрлаши, одамлар ҳатти-ҳаракатида, қилган ва қилаётган ишларида тегишли хулосалар чиқариб олиши; енг қудратлиси - тафаккур воситасида тарбияланиши мумкин". Республика олимлари маънавият масаласига доир яратган асарларида миллий

кадриятлар ва унинг ёш авлодни камол топтиришдаги о'рни ва моҳияти хусусида фикрларини баён қилганлар.

О.Мусурмонова "Оила маънавияти миллий г'ўйп" номли асарида о'збек оиласи ко'п асрлик тарихга ега бо'либ, бола тарбиясида алоҳида аҳамиятга ега эканлигини ко'рсатиб о'тган . Муаллиф таъкидлаганидек, "Оила инсонларнинг табиий-биологик, физиологик, иқтисодий, ҳуқуқий-қонуний, маънавий- ахлоқий алоқа муносабатлари асосида қурилган ижтимоий бирликдан иборатдир. ... У жамиятнинг ажралмас бир бо'лагидир. ... Оила тарбияси биринчи навбатда, ота ва она зиммасига тушади. Болалар тарбиясига асосий таъсирчан куч-қудрат, бу онадир. Бу о'збек оилалари тарихидан маълум бо'лган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бо'либ қолган анъанадир. Оила ва унинг моҳияти, оиланинг ҳар томонлама жипслигини таъминлаш шарт- шароитлари, оила тарбияси-миллий ифтихордир" .

М.Қуронов О'збекистон Республикаси мустақилликка еришгандан со'нг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимида ҳам ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш тизими педагогика фани олдига мураккаб вазифаларни қўяётганлиги, таълимнинг барча бо'ғ'инларида о'қитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методларига бог'лиқ бо'лган муаммоларни бажаришга киришилганлиги ҳақида о'з муносабатини билдириб, миллий ифтихор туйғ'уларини умумфуқаровий даражада ривожлантириш орқали еришиш мумкинлиги, ҳар бир халқнинг маънавий ва маърифий гуллаб яшнаши - умуминсоний камолот, уйғ'унликни ҳосил қилиши, о'қувчиларнинг О'збекистон ватанпарварлиги, миллий г'урури, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоби, миллий мафкуравий онглилиги каби фазилатлар, уларни қарор топтириш ё'лларини ко'рсатиб беради.

Демак, мустақилликнинг моҳиятини янада чуқур, пухта англаш, Ватанни севиш, у билан фахрланиш, Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун ёшлар нималарга ётибор бериши кераклигини таълим-тарбия жараёнида ёшларга сингдириш муҳим аҳамиятга ега.

Шахсда ижтимоий бурч ҳиссини шакллантириш масаласи бўйича тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бурч тушунчаси асосан ҳуқуқий фанлар ва ахлоқшунослик фани тадқиқот предмети ҳисобланади.

Гарчи шахс маълум бурч ва мажбуриятларга эгаллигига кўра муайян жамиятга мансуб бўлса-да, фуқаролик бурчи негизида, аввало, энг оддий одамийлик сифатлари акс этиши зарурлиги тўғрисидаги қарашлар А.В.Апраушев, Ю.Г.Волков ҳамда В.С.Поликарповнинг ишларида ўз аксини топган.

Бурч кўп қиррали ижтимоий жараёндир. Шу сабабли инсон руҳияти ва фаолиятини ўрганувчи фанлар - фалсафа, психология, педагогика, ҳуқуқшунослик, социология, ахлоқшунослик, оилашунослик ҳамда фуқарошунослик доирасида фуқаролик бурчи тадқиқ этилган. Профессор файласуфлар – Э.Юсупов, З.Исмоилова, Ж.Туленов, ҳуқуқшунослар – А.Саидов, У.Тожиҳонов, педагоглар – Д.Н.Ушаков, О.Мусурмонова, С.Нишонава, М.Усмонбоева мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий бурчини шакллантиришга доир илмий изланишларида уларни турлича талқин этганлар.

Ш.Жалилов, Р.Жумаев, Й.Назаров ва Ш.Рўзиназаров, У.Таджиханов, А.Саидов, Е.В.Татаринцева, М.Усмонбоева, Н.Ҳакимов, И.Эргашев, Б.Шарипов, М.Жакбаров кабиларнинг тадқиқотларида эса маънавият, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг жамиятни эркинлаштириш ва демократик муносабатларни қарор топтиришдаги ўрни, роли, аҳамияти, фуқаролик жамиятини барпо этиш омиллари ва шартлари ўрганилган.

А.Жалолов, Н.Жўраев, С.Отамуродов, Ш.Отамуродов, Сафо Очил, Ж.Туленов, К.Юсупов, З.Ғофуровларнинг ишларида демократик кадриятлар устуворлигини таъминлаш асосида ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётга эришиш, бу жараёнда методологик асос сифатида миллий истиқлол ғоясининг етакчи ўрин эгаллаши, жамиятнинг маънавий-руҳий тикланиши ҳамда фуқароларнинг ўзликни англаш туйғусига эга бўлишлари ижтимоий зарурият эканлиги алоҳида таъкидланади.

Фуқаролик бурчининг таянч асоси – фуқароларнинг энг юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эгаликларидир. Шу жиҳатдан олганда У.И.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Р.Отамуродовалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида диққатга сазовор. Бинобарин, уларда маънавий-ахлоқий сифатлар, шахсда уларни шакллантириш йўллари, шакл, метод ва воситалари, шахс маънавий-ахлоқий онги ва дунёқарашини педагогик нуқати назардан баҳолаш мезонлари, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий бурчга эга бўлишларида миллий қадриятлар ва бой бурчининг тарбияловчилик хусусиятидан самарали фойдаланиш шартлари ёритиб берилган.

Юқорида ко‘риб чиқилган манбалар мазмунидан шу нарса аён бо‘лдики, о‘қувчиларда миллий ифтихор туйғ‘усини шакллантиришнинг мазмуни, методлари, шакл ва воситаларини ёритиб берилган махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган. Тадқиқот муаммосининг айрим жиҳатлари мавжуд адабиётларда қисман баён қилинган бо‘либ, ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғ‘усини шакллантиришнинг педагогик асосларини яратиш масаласи о‘з ечимини кутаётган долзарб муаммодир.

1.2. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш муаммоси долзарб ижтимоий педагогик зарурат сифатида

Ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мавзусига мурожаат етар еканмиз, енг аввало ушбу тушунчалар моҳиятига аниқлик киритиб олишимиз зарур. Ифтихор ва миллий ифтихор тушунчалари мустақиллик йилларида юртимиз педагогика фанида ўтказилган кўплаб тадқиқотларда қўлланилган ва шарҳланган.


Ифтихор тушунчаси Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (З.А.Маъруфов таҳрири остида) фахр, шон шараф ҳисси, фахрланиш, мактаниш, сифатида таърифланади. Ушбу тушунча кўп ҳолларда ғурур ва фахр тушунчалари билан бирга қўлланилади. Фахр тушунчаси манманлик, ғурурланиш ҳисси, ифтихор маъноларини билдиради.

Педагогика фанлари доктори, профессор Д.И. Рўзиева ўз тадқиқотларида талабаларда миллий ифтихор туйғусининг қуйидагича таркибини тақдим этади:

чизма

Миллий ифтихор туйғуси таркиби

Milliy iftixor tuyg'usi tarkibi



А.Иброҳимов, Х.Султонов ва Н.Жо‘раевларнинг фикрларига қўра «шахс ғ‘урури - бу фахр», «миллий ғ‘урур - бу ифтихор» бўлиб, улар гарчи бир-бирларига яқин маъноларни англатсада, бир вақтнинг о‘зида бир-биридан маълум даражада фарқланувчи тушунчалар эканлиги таъкидланади. Бу о‘ринда муаллифлар қуйидаги фикрни илгари сурадилар: «Миллий ифтихор миллат о‘зини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли руҳий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакиллариининг қалбидан чуқур о‘рин олади». «Миллий ифтихор туйғ‘уси о‘з миллий мансублигидан фохрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғ‘уси о‘з миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан

г'урурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйг'уси - о'злигини англаш ва о'згаларни тушунишга даъват етувчи қудратли куч» . Муаллифлар бу о'ринда г'урур тушунчасини шахсга, ифтихор тушунчасини миллатга хос туйг'у сифатида еътироф етадилар. Айнан мана шу ҳолат улар о'ртасидаги фарқни ко'рсатувчи ко'рсаткич сифатида қабул қилинади. Ҳар икки тушунчага берилган таърифдан г'урур тушунчаси индивидуаллик, ифтихор тушунчаси еса ижтимоийлик хусусиятига ега бо'лади, деган хулосага келиш мумкин.

«Миллий г'урур (ифтихор), - деб таъриф берилади манбаларда, - шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг миллий о'з-о'зини англаши асосида шаклланадиган аجدодлари қолдирган моддий-маънавий мерос, о'з халқининг жаҳон тсивилизатсиясига қашган ҳиссаси, о'зга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обро'-еътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча»[52.62]

Миллий ғурур, миллий ифтихор ўзи мансуб бўлган миллат, халқнинг равнақи, тараққиёти учун курашишнигина эмас, шу билан бирга ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо қилади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва ғурурини камситмайди. Шунингдек, миллий ғурур ва ифтихор туйғусига эга инсонда миллий ўзликни англаш туйғуси шаклланади.

Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда ўзбек халқининг мустақиллигидан фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратиш йўлида меҳнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, жаҳон ҳамжамяти томонидан илм-фан, техника ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланиш ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантирадиган, ривожлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом миллий ғурур,

ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда қарор топтириш учун олий таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аجدодларнинг бой маънавий мероси, бугунги бунёдкорлик фаолияти кенг кўламда ўргатилмоқда.

Ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси миллий мансубликни чуқур англаш, уни эъзозлашга маънавий-руҳий жиҳатдан келиб чиққан эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор, энг аввало, ўзлигини англаш, миллий раванқни таъминлаш йўлидаги хатти-ҳаракат, ўз миллати истикболи олдида масъулликнинг бекиёс намунасидир. Ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлган ҳар бир киши ўз миллати ўтмишини яхши билган, кадрлай олган ва айна пайтда уни янгича шароитлар, ҳолатларда бойитиб борадиган баркамол шахсдир. Шу билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлод бошқа миллатлар миллий анъаналари, санъати ва маданиятини ҳурмат қилиш қобиляти, уларни англаш салоҳиятига эга бўлмоғи лозим.

Бурч тушунчаси – адо етилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа, мажбурият сифатида таърифланади. Ушбу тушунча кўп жиҳатда ахлоқшунослик фанида кенг кўламда тадқиқ қилинади. Жумладан, буюк немис мутафаккири И.Кантнинг ахлоқ борасидаги қарашлари асосан бурч тушунчасига бориб тақалади.

Буюк мутафаккирнинг ахлоқшунослигини маълум маънода бурч ҳақидаги таълимот ҳам дейиш мумкин. У бурчнинг икки хили мавжудлигини таъкидлайди: ҳуқуқий бурч ва ахлоқий бурч. Ҳуқуқий бурчни бажариш учун ташқаридан мажбур етилса, ахлоқий бурч аксинча, фазилатга, яъни ички ҳодисага, ихтиёр еркинлигига бог‘лиқ. Шу боис инсоннинг ахлоқий бурчга мувофиқ хатти-ҳаракат қилиш қобилятини Кант фазилат деб атаydi.

Ахлоқий бурчнинг о‘зини ҳам файласуф иккига бўлади: инсоннинг о‘з олдидаги бурчи ва бошқаларга нисбатан, уларнинг айбдорлиги ёки ҳурматга муносибликларига қаратилган бурч. О‘зига нисбатан бурч, аало, инсондан о‘з-о‘зига ҳурматни талаб этади. Унинг зидди — о‘з ҳаётига қасд қилиш, соғлигига путур етказиш, ёлғончилик, очко злик ва сохта итоаткорлик — ҳушомадгўйлик.

О‘згаларга нисбатан бурч еса, аало, бошқа одамларни ҳурмат қилишни талаб этади. У – Кант «дунёнинг буюк ахлоқий беағи» деб атаган ҳайр-еҳсонда, миннатдорчиликда, қувонч-у г‘амни баҳам кўришда, умуман, инсонга муҳаббатда акс этади. Уларнинг зидди — манманлик, дилозорлик, ҳасад, кўрнамаклик ва ичқоралик. Хатти-ҳаракатнинг мақсади ҳам, унинг самараси ҳам емас, балки унинг нияти, яъни ахлоқий амрга мувофиқлиги ахлоқий ҳисобланади.

«Бирор ерда, бу дунёда ҳам, ҳатто ундан ташқарида ҳам, фақат биргина езгу ихтиёрдан бошқа яна қандайдир нарсани чекланмаган даражадаги езгулик дейиш мумкинлигини ҳаёлга келтириб бў‘лмайди», — дейди Кант. Ўзгу ихтиёр ҳаракатни ташқи шарт - шароит ва манфаатни ҳисобга олмасдан баҳолайди, зеро, бурчнинг м азм уни биз интилаётган бахтда емас, балки бахтли бўлишга лойиқлигимиздadir. «Шу боис, - дейди файласуф, — ахлоқ, сирасини айтганда,

о‘зимизни қандай тарзда бахтли қилишимиз мумкинлиги ҳақида емас, балки о‘зимиз қандай қилиб бахтга муносиб бў‘лишимиз то‘ғ‘рисидаги таълимотдир». Шунини ҳам таъкидлаш о‘ринлики, Кант ихтиёр муаммосига динийнарсоний нуқтайи назардан ёндашади: дастaал у ёвуз ихтиёр тарзида юзага чиқади. Ёвуз ихтиёр инсон табиатидаги бурч талабининг ҳаракат қoидасига айланишига қарши турадиган майлдир. Ана шунинг учун ҳам о‘з-о‘зини билиш ва ақлга асосланган езгу ихтиёр зарур. Одамлар ана шу езгу ихтиёр асосида бир-бирларига муносабат қилишлари керак. Бу муносабатдаги мажбуриятларнинг иккитасини Кант енг муҳим деб

ҳисоблайди. Булар — муҳаббат ва ҳурмат. Ҳар бир кишининг бурчи — хайрли ишлар қилишидан, яъни бирор-бир мукофотга умид боғМамасдан, имкон қадар одамларга ёрдам беришидан ва уларнинг бахтли боҒишига қўмаклашувидан иборат. Мутафаккир инсонпарварликни енг муҳим фазилят, инсонни севмасликни асосий иллат деб ҳисоблайди.

Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У, юқорида айтганимиздек, виждон, ётиқод, масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси — бурчга садоқат ёки хиёнат ётади.

Бурчнинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фуқаролик бурчи, оталик бурчи, оналик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд.

Бурч тушунчасининг о'зига хос жиҳатларидан яна бири - унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб етиши мумкин. Собиқ шо'ролар фуқаросининг о'ша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда о'та салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Ҳарбийлашган ва о'та мафкуравийлашган, яъни, ягона мафкура ҳукмронлик қилган жамиятларда еса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеий ҳодисага айланади. О'та усталик билан ёлга қўйилган тарғ'ибот натижасида бундай жамиятлар аъзоларининг кўпчилиги оқни - қора, қорани — оқ деб қабул қиладилар. Буни умумбашарий ва миллий қадриятлами оёқости қилган бешафқат шо'ролар сотсиализми ёки фашистларнинг миллий сотсиализми яққол исботлаб берди. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар


алдандилар, кейинчалик, узоқ йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар. Демак, жамият қурилишида тоталитарчиликка ёл қўйилиши оша жамият аъзолари томонидан бурчнинг нотоғри тушунилишига ва бунинг оқибатида баъзи ҳолларда беихтиёр, омилик туфайли, баъзан еса ихтиёриймажбурий тарзда юз берадиган оммавий ахлоқсизликка олиб келади.

Шундай ҳолатлар ҳам боладик, унда бурч шахснинг қўпгина майл-истакларига қарши ҳодисага айланади: уни ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат-фароғатда кечиши мумкин еди. Лекин, у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчни деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар, а ал айтганимиздек, мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат хорижда вафот етди.

Баъзан бурч туфайли одам лар о з севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан, ҳатто ака-укаси, опа-синглиси ёки фарзандидан кечишга ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги енг «қаттиққўл», енг «шафқатсиз»и.

3 - chizma

Burch tushunchasi va uning turlari



Педагогик кузатишлар ўсмир ёшларнинг кўпчилиги ўзларида миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларининг шаклланишига нисбатан бефарқ эканликлари, ёки бу каби сифатларнинг паст даражада ривожланганлигини кўрсатди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда бу ҳолат мавжудлиги сабаби ўрганилди. Ўсмирлар фаолиятини бевосита кузатиш, улар билан ўтказилган суҳбат, баҳс-мунозара ва сўровларнинг натижалари бу сабабларни аниқлашга ёрдам берди. Ўсмир ёшларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришдаги зиддиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий фанларнинг имкониятлари билан уларни ўқитиш жараёнида ўсмирларга миллий қадриятлар, уларнинг ижтимоий аҳамияти, ўзбек халқининг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотларни беришга жиддий эътибор қаратилмаётганлиги ўртасидаги зиддият.

2. Таълим муассасаларининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ишлаб чиқилган тарбиявий тадбирлар режасида ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга оид тадбирларни ташкил этишнинг кўзда тутилиши билан амалда бундай тадбирларнинг етакчи ўрин тутмаётганлиги (ёки уларнинг ғоявий жиҳатдан саёзлиги) ўртасидаги зиддият.

3. Оммавий ахборот воситаларининг кучли тарбиявий имкониятлари билан уларнинг ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришдаги ролининг мавжуд ҳолати (унинг юқори эмаслиги) ўртасидаги зиддият.

4. Ёшлар онгига кучли таъсир этувчи музика ва кино санъатининг тарбиявий имкониятлари билан замонавий музика ва кино санъати намуналарининг аксарияти бугунги кун талабларини тўла қондира олмаётганлиги ўртасидаги зиддият.

5. Ёшларнинг турли соҳаларда жасорат, қаҳрамонлик ҳамда юксак ирода намунасини кўрсатаётган шахсларнинг яшаш тарзи, ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятига тақлид қилиш хусусиятлари билан ишлаб чиқариш ва ижод соҳаларида самарали фаолият юритаётган бугунги кун қаҳрамонларини ёшларга таништиришда етарли даражада фаоллик кўрсатилмаётганлиги ўртасидаги зиддият.

6. Оилада ёшларнинг миллий қадриятлар, энг муқаддас оилавий анъаналар, шунингдек, миллий маънавий-ахлоқий қарашлар асосида тарбиялашда юксак самарадорликка эришиш ҳақидаги давр синовидан ўтган педагогик хулоса билан айни вақтда аксарият оилаларда ушбу масалаларга жиддий эътибор берилмаётганлиги ўртасидаги зиддият.

7. Ёшларнинг ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тадбиқ этувчи тадбирларда фаол иштирок этишга бўлган қизиқишлари билан бугунги кунда ватанпарварлик ғояларини тарғиб этувчи тадбирларни ташкил этиш анъанасининг тобора унутилиб бораётганлиги ўртасидаги зиддият.

8. Давлат сиёсати даражасида ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ юзага келишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий ҳаракатнинг амалга оширилаётганлигига қарамай улар эътиборини миллий муаммолардан четга тортиш эвазига уларнинг онгига ягона исломий мақсад-халифалик давлатини барпо этиш ва жамиятни диний тамойиллар асосида бошқариш «олий бурч эканлиги» тўғрисидаги ғояларни сингдиришга қаратилган «ахборот хуружи»нинг олиб борилаётганлиги ва бу хавфнинг тобора кескинлашаётганлиги ўртасидаги зиддият.

9. Хорижий мамлакатлар ва республика ўсмир ёшлар (умуман ёшларда) ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга оид тўпланган тажрибаларнинг педагогика амалиётига жадал жорий этиш тўғрисидаги фикрларнинг турли илмий анжуманларда илгари сурилаётганлигига қарамай бу йўлда ханузгача сусткашликка йўл қўйилаётганлиги ўртасидаги зиддият.

10. Ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганишда ижтимоий зарурият юзага келган бўлсада, бугунги кунга қадар бу масаланинг тўла ҳал этилмаганлиги, унинг самарали йўллари аниқланмаганлиги, омиллари ва воситаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги ва ҳоказолар.

Ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнида кўзга ташланувчи зиддиятларни бартараф этишнинг йўллари қуйидагилардир:

1. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида ўсмирларга миллий қадриятлар, уларнинг ижтимоий аҳамияти, ўзбек халқининг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотларни беришга жиддий эътибор қаратиш.

2. Тарбиявий жараёнда ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи тадбирларнинг етакчи ўрин тутиши ҳамда ташкил этилаётган тадбирларнинг ғоявий жиҳатдан юксак савияда бўлиши учун барча имкониятларни ишга солиш.

3. Ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан кенг жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликка эришиш, уларнинг фаолиятига жамоатчилик баҳосини бериш тизимини ишлаб чиқиш ва бу тизимнинг тўлақонли ишлашини таъминлашга эришиш.

4. Бош ғояси маиший муаммолардангина иборат бўлиб, ғоявий савияси ва ижро маҳорати паст бўлган мусиқа ва кино санъати намуналарининг оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан ўрин олишига нисбатан жамоатчилик таъсирини ўтказиш, шу билан бирга газета ва журналларда имкони борича кўпроқ ижтимоий онг ва шахс дунёқарашини бойитиш, фуқароларда фикрлаш лаёқатини шакллантириш, маиший бикиқликдан холи бўлиш орқали ижтимоий фаолликни қарор топтиришга оид мақолаларнинг чоп этилишини таъминлаш.

5. Ишлаб чиқариш ва ижод соҳаларида самарали фаолият юритаётган замона қаҳрамонларини ёшларга таништиришга алоҳида эътибор қаратиш ва бу йўлда фаоллик кўрсатиш.

6. Ёшларда умуммиллат ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўя олишлари, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт-саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун психологик ва педагогик шароит яратиш.

7. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тарғиб этувчи тадбирларнинг кенг кўлам ва юксак савияда ташкил этиш анъанасини қайта тиклаш.

8. Хорижий мамлакатлар ва республика ўсмир ёшлар (умуман ёшларда) ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга оид тўпланган тажрибаларни ўрганиш, уларда илгари сурилаётган илғор қарашларни умумлаштириш, уларни оммалаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

9. Ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганилишига эришиш, мазкур жараёни ташкил этишнинг самарали йўллари, омиллари ва воситаларини етарли даражада ўрганиш (3-чизмага қаранг).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қарор топиши, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши бу жараён муваффақиятини таъминлайди.

1 – боб бўйича хулоса

Ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш муаммоси ижтимоий характерга эга. Бинобарин, ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш уларни Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзи яшаётган жамиятда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарор бўлиши йўлида курашиш, турли миллат ва элатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро иноқликнинг қарор топишига ўз улушини қўшишга интилиш кўникмаларининг шаклланиши ҳамда миллат вакили сифатида ўз кадр-қимматини англаб етишга ундайди.

Собиқ Шўро тузуми даврида «Буюк Совет халқини шакллантириш» Концепциясининг амал қилганлиги манбаларда миллий туйғу ва шахсда уни шакллантириш масаласи ҳақида сўз юритиш имкониятини бермади. Бу муаммони ўрганишга XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб жиддий эътибор қаратилди.

Миллий ўз-ўзини англаш – ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси ва Ватанни севиш, миллий маданиятни англашдаги қувонч, миллий ривожланиш ва халқ манфаати учун хизмат қиладиган сиёсий ҳаракатлар ва ғояларнинг ҳаққонийлигини англаб етиш каби туйғулар негизида шаклланади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ижобий сифатларидан бири ватанпарварликдир. У ўз миллати ҳамда умуминсоний ривожланиш талабларини бирдек чуқур англаб етишдан иборат.

Ўсмирларда миллий ифтихорни шакллантириш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган маданиятдан фахрланиш, уни асраш ва бойитиш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат.

Таълим муассасаларида ўсмирларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлашда бу жараённи яхлит ташкил этиш,

унда ҳар бир самарали омилдан мақсадли фойдаланиш, имкониятларни кўра олиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

2 – БОБ. ЁСМИРЛИК ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ БУРЧ ВА ИФТИХОР ТУЙЌУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ- ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

2.1. Ёсмирлик даврида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуларини шакллантириш омиллари.

Ёсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш муаммоси ижтимоий характерга эга. Бинобарин, ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш уларни Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Шунингдек, ёсмирларда ўзи яшаётган жамиятда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарор бўлиши йўлида курашиш, турли миллат ва элатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро иноқликнинг қарор топишига ўз улушини қўшишга интилиш кўникмаларининг шаклланиши ҳамда миллат вакили сифатида ўз қадр-қимматини англаб етишларини таъминлайди.

Шахснинг миллий ўзликни англаш, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эгаллиги кишиларни барча даврларда ҳам миллат ва Ватан шаънини ҳимоя қилиш, унинг манфаатлари йўлида курашишга рағбатлантира олган. Кўп миллатли мамлакатда «ягона совет халқи»ни шакллантириш Концепцияси ғояларига кўра собиқ Иттифок даврида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва миллий ифтихор масалаларининг тадқиқ этилишига ижтимоий-сиёсий қарашлар йўл бермади. Турли халқларнинг миллий мустақилликка эришуви туфайли миллийликни англаш, миллий туйғуга эга бўлиш асосида миллатнинг индивидуаллиги ва миллий маданиятнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга бўлган интилиш кучайди.

Ёсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш узоқ муддатли, тизимли ва изчил ёндашувни талаб этувчи педагогик

фаолият жараёнидир. Бу жараён баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий мақсадни амалга ошириш борасидаги яхлит жараённинг муҳим таркибий қисми саналади.

Ўсмирларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусинини шакллантиришда қуйидаги омилларнинг устувор ўрин тутишига ишонч ҳосил қилдик:

1.Субъектив омиллар:

- жамиятда соғлом муҳитнинг қарор топганлиги, шахснинг ўзлигини англашига ёрдам берувчи ғояларнинг етакчи ўрин тутиши;
- кишилиқ муносабатларининг янгила мазмун касб этиши;
- миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, уларни бойитиш йўлида муайян ҳаракатларнинг ташкил этилиши;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш;
- ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, демократик ғояларнинг акс этилиши;
- ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда оила, ўқув юртлири ва кенг жамоатчилиқ иштирокининг таъминланишига эришиш;
- шахс онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш;
- ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга эътиборнинг қаратилганлиги;
- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ўсмирларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш; ўсмирларда миллий ифтихорни англаш эҳтиёжининг юзага келганлиги;
- ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда дунёқараши кенг, ҳаётий тажрибаси бой, моҳир нотик, мустаҳкам эътиқод ва ўзгаларга ибрат бўла олувчи ҳаёт тарзига эга педагогларнинг кучларига

таяниш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш чоратadbирларининг кўрилганлиги;

- ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг мукамал тизими (мазмуни, шакл, метод ва воситалари)нинг яратилганлиги;

- ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш андозасининг яратилганлиги ва ҳоказолар.

П.Объектив омиллар:

- олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга имкон берувчи замонавий илм-фан, техника, технология ва маданият ютуқларига асосланган моддий базанинг мавжудлиги;

- шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантирувчи ғоялар сингдирилган ўқув манбалари (ўқув дастури, қўлланма, дарслик, дидактик материаллар ҳамда кўргазмали куроллар)нинг яратилганлиги;

- ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидение ва компьютер)хизматидан фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги ва бошқалар (1-чизмага қаранг).


Ўсмир ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда ижтимоий муҳит ва унинг мазмуни ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, ўсмирларнинг умумий шаклланишига таъсир этгани каби уларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг қарор топишида ижтимоий таъсирлар етакчи ўрин тутди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб шаклланишини таъминловчи муҳитнинг яратилишига эътибор қаратилди ва бу йўлда кенг кўламли ҳаракат бошлаб юборилди, унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Бироқ, педагогика назарияси ва амалиётидан бизга яхши маълумки, ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг шакллантирилишига сезиларли таъсир этувчи

яна бир муҳит мавжудки, айти вақтда уни ғоявий жиҳатдан такомиллаштириш зарур. Ачинарли жиҳати шундаки, кўп ҳолатларда микромуҳитнинг енгил-елпи ҳаёт кечириш, осон йўл

1-чизма

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш омиллари



билан моддий фаровонликка эришиш каби ғояларга эга бўлишини педагогик, психологик ва фалсафий йўналишларда олиб борилган катор тадқиқотларнинг натижалари кўрсатмоқда.

Ўсмирларда миллий ифтихорни шакллантириш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган маданиятдан фахрланиш, уни асраш ва бойитиш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат.

Миллий ғурур, ифтихор ҳамда миллий ўзликни англаш туйғулари негизида қуйидаги фазилатлар кўзга ташланади:

- 1) халқининг тарихий хотирасига ҳурмат;
- 2) миллатнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, миллий мероси, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари, руҳияти ҳақидаги мустаҳкам билимларга эга бўлиш;
- 3) халқ ижтимоий-маънавий ҳаётини янада ривожлантириш, миллий мерос, урф-одат ва анъаналари, қадриятларни асраб-авайлаш, уни бойитиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш;
- 4) уларни онгли равишда баҳолаш;
- 5) маънавий ҳис-туйғуларнинг ижобий бўлишига эришиш;
- 6) ўзини онгли равишда бошқариш;
- 7) Ватан туйғуси билан яшаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш;
- 8) она тилини эъзозлаш;
- 9) бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларига онгли ёндашиш.

Бу таснифга таянган ҳолда «миллий ифтихор» туйғусига эгалик асосида акс этувчи фазилатлар мажмуи белгиланди. Бизнинг назаримизда бу тасниф қуйидагича:

- 1) халқ тарихидан тўла хабардорлик, миллатнинг ўтмиши, тарихига бўлган ҳурмат;

2) унинг шонли саҳифалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, шиддатли тарихий ўзгаришлар даврида ҳам миллатнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, эътиқодидан воз кечмаганлигидан ғурурланиш;

3) миллатга хос бўлган ижтимоий руҳият, унинг ижобий кўринишлари ва миллий турмуш тарзининг ўзига хослигидан фахрланиш;

4) миллий маданиятнинг жаҳон халқлари цивилизациясига қўшилган ҳисса эканлигини англаш;

5) миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг мазмунини чуқур англаган ҳолда уларни асраш ва янада бойитиш йўлидаги ҳаракатни ташкил этиш;

6) она тилининг миллат нишони, ғурури эканлигини ҳис қилиш;

7) миллат эрки ва Ватан мустақиллиги учун курашиш, тинчликни таъминлаш бебаҳо миллий қадрият эканлигини англаш.

Халқ тарихидан тўла хабардор бўлиш ўсмирларга миллий мансублик, миллатнинг ўтмиши, тарихининг ўзига хослигига оид маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Зеро, ўз халқи тарихини англамаган инсон ўзининг жамиятдаги ўрни, турли миллатлар орасидаги мавқеини белгилай олмайди. Ижтимоий мавқега эга бўлмаган инсон эса мустақил фикрлай, турли вазиятларда ўзи қарор қабул қила олмайди. Шу боис у қарамлик, мутеълик ва кулликка маҳкум бўлади.

Миллатнинг шонли саҳифалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, шиддатли тарихий ўзгаришлар даврида ҳам миллатнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, эътиқодидан воз кечмаганлигидан ғурурланиш инсонда келажакка бўлган ишонч ҳиссини уйғотади. Келажакка ишонч шахсда руҳий бардамлик, тетикликни тарбиялайди, мураккаб, ўта қийин вазиятларда ҳам таҳликага тушмаслик, вазиятдан чиқа олиш учун ҳаракат қилишига туртки беради.

Миллатга хос ижтимоий руҳият унинг бугуни ва эртанги кунининг мазмунини яратишга хизмат қилади. Миллий руҳият ўз навбатида ижтимоий турмуш тарзининг шаклланиши учун асосдир. Бу ўринда миллат

руҳиятига хос ижобий жиҳатларни ажрата олиш, уларни такомиллаштириш, шу билан бирга салбий ҳолатларни бартараф этиш миллатнинг ҳар томонлама тараққий этиши учун замин яратади.

Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Мустақил Ўзбекистон маданиятнинг барча йўналишларида жаҳоншумул кашфиётларни ярата олган минглаб алломаларни етиштириб берган ўлка ҳисобланади. Улар умумбашарий аҳамиятга эга маърифатнинг шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий-маънавий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, узвий бўлагидир.

Миллий маданият миллат тарихининг маҳсулдорлигини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Турли миллий маданиятлар асосида жаҳон цивилизацияси таъминланади. Бир миллатнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси у томонидан яратилган маданият билан белгиланади. Миллатнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини англаш, миллий маданият асосларидан хабардорлик инсонда ўзига хос ғурур, ифтихорни юзага келтиради.

Миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, уларда илгари сурилган ғоялар инсон руҳиятининг шаклланиши, унда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга хизмат қилади. Миллийликни белгиловчи омиллардан бири урф-одат, анъана ва қадриятлардир. Шу сабабли инсон ҳам миллат вакилларида бири сифатида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни янада бойитиш тўғрисида қайғуриши зарур. Ўз навбатида миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар ғояларининг миллат равнақи, инсоният тараққиётига хизмат қилиши билан фахрланиш ўсмирларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлайди. Ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда ўсмирларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни бойитиш учун ҳаракат қила олиш кўникмаларини тарбиялашга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк алломаларнинг шахс камолоти ва уни таъминлаш тўғрисидаги қарашлари замонавий босқичда жаҳон таълими учун муҳим асосдир. Миллий педагогик қадриятларини мавжуд шароитда демократик қадриятлар билан уйғунлаштириш, таълим мазмунига инсонпарварлик ва демократик ғояларни сингдириш, ўқув жараёнига илғор технологияларни татбиқ этиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш давр талабидир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин истиқлол талаблари, қурилажак ҳуқуқий демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятга мос кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгани туфайли ўтмиш авлодлар қолдирган бой маънавий-маданий меросни ўрганиш ва қайта тиклашга мушарраф бўлмоқда.

Фан ва маданият намоёндаларининг асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳам инсонлар руҳияти ва маънавияти тараққиётида, ёшларда эзгулик ва ифтихор туйғусининг ривож топишида муҳим восита бўла олади.

Миллатнинг миллат эканлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири унинг миллий тилга эгаллиги ҳисобланади. Миллий тилнинг равнақи миллат куч-қудратидан далолат беради. Турли маданиятлар интеграцияси юзага келаётган бир шароитда миллий тилни сақлаб қолиш, уни янада бойитиш долзарб вазифа. Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўсмирларда миллий тилга бўлган ҳурматни қарорни топтириш, унинг мазмунан саёзланишига йўл қўймаслик зарур. Ўқув фанлари, шу билан бирга тарбиявий ишлар воситасида миллий тил имкониятларидан ўсмирларни хабардор қилиб бориш кутилган натижаларни беради, уларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиради.

Миллатга хос бўлган маънавий қадриятлар орасида халқ эрки ва Ватан мустақиллиги учун курашиш, тинчликни таъминлаш асосий ўринни эгаллайди. Тарихдан маълумки, эрк ва озодлик йўлида курашиш ҳаётий

мақсад ҳисобланган. Ўсмирларни аجدодларга хос ана шундай фазилатларга эга бўлишларига эришиш, уларга халқ қаҳрамонларининг жасоратлари тўғрисида маълумотлар бериш, бу йўлда таъсирчан воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2.2. ЁСМИРЛАРДА ИЖТИМОЙ БУРЧ ВА ИФТИХОР ТУЙЎУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОУИЛЛАРИ

Мустақиллигимизга муносиб, жаҳон таниган аجدодларимизга лойиқ, собитқадам, маънавияти юксак баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида жамият ривожланишига монанд ўзгаришларнинг психологик табиатини англаш ва уларга мос келадиган чора-тадбирларни аниқ белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Чунки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари баркамол шахс камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар унинг ўзлигини англаб бориши ва ўз устида чуқур ишлаган тарзда Ватан равнақи ҳамда юрт тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилиш мақсадида бутун имкониятларини, ақлини сафарбар этишга ундайди. Ислохотлар ва уларнинг том маънодаги моҳиятини эса биринчи навбатда ёшларнинг илғор вакиллари бўлмиш ўсмирлар англайдилар. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, қалбида Ватанга муҳаббат, унинг келажакига ишонч, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси жўш урган мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг энг самарали усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда шу орқали миллатимиз равнақида хизмат қилувчи миллий истиқлол ғоясини онга сингдиришга оид муҳим қонуниятларни билиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда таълим тизимининг асосий мақсад ва моҳиятидан келиб чиқиб шуни эътироф этиш мумкинки, ёшлар онгига мустақилликни мустаҳкамлаш, халқи билан фахрланиш, миллий ифтихор туйғуларини сингдиришда “профессор-ўсмир”, “тарбияловчи-тарбияланувчи” муносабатларида жамиятда озод ва обод Ватанни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш бевосита ўсмир-ёшларга боғлиқлигини тушунтириришдир. Буни амалга ошириш учун эса ҳар бир дарсда уларнинг келажакига боғлиқ барча фанларга ихлос қўйиш, қизиқиш кўникмаларини ҳосил қилишга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Иқтисодиёт йўналишида таҳлил олаётган ўсмирларга Ватанимиз келажагига хизмат қилишда мутахассислик фанларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш учун, албатта, ёшларимиз онгида мустақилликка меҳр, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган аниқ фактлар, юртимиз тараққиёти билан боғлиқ рақамларни келтириш, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, Олий Мажлис сессияларидаги давлатимиз раҳбари томонидан берилган маълумотлардан фойдаланиш, ўсмир-ёшларнинг ўзлари булар мукаммал ўқиб, эркин мушоҳада қилишлари, уларни миллатимиз ва давлатчилигимиз тарихи ва қадимий анъаналаримиз билан қиёслаб ўзлаштириш яхши натижалар беради.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда баландпарвоз гаплар, қуруқ насихатгўйликдан қочиш керак. Ўсмирларнинг “катталиқ ҳиссига” таяниб, Ватан ва эл-юрт тараққиётида уларнинг бевосита масъул эканликлари, тарихда ота-боболаримиз ҳаёти юксак маънавият эгаси эканлигимизга асос бўлишини жиддий туриб, уларнинг шахсий фикрларига қўшилган ҳолда, бўлажак маълум касб-кор эгалари сифатидаги билимларини ўрганган тартибда ёндашиш керак бўлади.

Демак, ёшлар онгига ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини сингдириш енгил-елпи қараладиган ёки шошма-шошарликни талаб қиладиган жараён эмас, аксинча, бу ҳолат педагоглар ҳаракатининг беҳуда сарфланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўсмир-ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўргатишга қўйилган универсал талабларга эътиборни қаратиш ўринли бўлар эди, деб ҳисоблаймиз:

- ўқув машғулотларини олиб боришда ўсмирларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

- таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларини қўллаш натижасида фаннинг кадрсизланишига йўл қўймаслик;
- таълим жараёнида тазйиқ ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш;
- ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;
- ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;
- миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини ўсмирларнинг қалби ва онгига сингдириш [130,3-4-бетлар].

Шу ўринда, ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда зўрлаш, мажбурлаш усулларида қочиш лозимлигини қайта-қайта уқтириш лозим, деб ўйлаймиз. Жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган француз ёзувчиси Анатолий Франс: ”Тазйиқ остида берилган билим ақлни бўғайди”,-деган эди.

Ҳар қандай фикрни тингловчига етказишда, бизнинг ҳолатимизда, ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда билим, кўникма ва малака ҳосил қилувчи ўқитувчи шахси ва унинг ўқитувчилик лаёқати тарбияланувчи томонидан ҳис қилиниши катта аҳамият касб этади. Агар ўқитувчи обрўли бўлса, у қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, берадиган маълумоти ишонарли ва таъсирчан бўлади.

Профессор-ўқитувчининг ўсмирларга етказадиган маълумотлари мазмуни ва уни дидактик нуқтаи назардан қандай берилиши ҳам муҳим аҳамият касб этиши педагогикага аён.

Ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи материалнинг шакли қандай бўлиши керак:

-китобларда баён этилган бўлиши;

-матнга монанд махсус кўргазмали қурооллар тайёрланган бўлиши мумкин.

Иккала ҳолатда ҳам биз ёзма нашр шаклини назарда тутдик, чунки бу ҳолатда кўпчиликка манфаатли маълумотлар қўлдан-қўлга ўтиб, ўз аудиториясини кенгайтириши қулай бўлади; ўз таъсирини кучайтириш учун китобий матнлар ёки ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантирувчи кўргазмали қурооллар қайта-қайта ўқилиши, ҳаттоки ёд олиниши мумкин бўлади; китобий тилда ёзилган бирор матн мураккаброқ, тушунарсиз бўлса, профессор-ўқитувчи томонидан, деталлаштирилиб тушунтирилиб берилади; ёзма маълумотни тингловчининг ўзи алоҳида ҳам қироат қилиши имконияти бўлади ва ҳоказо.

Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ёшларга ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини сингдиришда педагогик жиҳатдан эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат – қандай воситалар ёрдамида берилаётган маълумотни етказиш масаласидир. Китоблар, тайёр кўргазмали қурооллардан ташқари ҳозирги кунда аудио-видео воситалар, мултимедиалар, видеослайдлар, масофали ўқитиш, электрон версиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда. Бизнингча, қўйилган мақсадга эришишда аудио-визуал идрок этиш воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланиш яхши самара беради.

Ўсмир-ёшлар онгига ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини сингдириш миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонқуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари,

анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалда намоён қилиш; ўзга миллатларни ҳурмат қилиш; аجدодлар хотираси олдида ворислик масъулиятини ҳис қилиш каби тарбия жараёнининг жиддий ва кечиктириб бўлмас вазифалари билан боғлиқ.

Японияда ўсмирлар халқ тарихи, адабиёти, маданияти, мусиқаси, ўймакорлик санъатига доир ҳар қандай саволга бемалол жавоб қайтара олар эканлар. Чунки шу соҳалар мактабда бошқа предметлар қатори ўқитилар экан. Болалар ёшлик пайтидан эътиборан ўз халқи тарихига алоқадор нарсаларни кўпроқ билишлари керак. Шунда улар бошқа халқлар тарихини ҳам осон ўзлаштиради.

Юқори ўспиринлик даври ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз кадр-қимматини билиш, бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш, ўзи ёқтирган ва ўзига яқин бўлган нарсаларга интилиш, ўзининг наслу-насаби билан қизиқиш, уларга тақлид қилиш, ўзи танлаган касби, ўзининг қизиқишлари доирасига яқин бўлган аجدодларимиз ҳақида, тарихимиз ҳақида кўпроқ билишга мойиллик, ўз-ўзича улардан фахрланиб, уларга лойиқ тарбияли бўлишга ҳаракат қилиш туйғулари жўш урган давр ҳисобланади. Айтмоқчимизки, ўсмирлик йилларига тўғри келадиган бу давр биз мақсад қилиб олган ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини сингдиришга жуда мойил ва қулай фурсат ҳисобланади, айнан шу даврда маълум бир тизим асосида ишланса, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Агар ўсмир камол топаётган оилада ёки жамоада самимий муносабатлар муҳити мавжуд бўлса, унинг дўстлари, тенгқурлари, қариндош-уруғига нисбатан меҳр-муруввати қўллаб-қувватлаб турилса- бу илиқ туйғулар Ватанига, халқига муҳаббат, дўстга садоқат, ота-онага ва устозларига меҳр-саҳоват, яқинларини эъзозлаш, улар билан фахрланиш кабиларга айланади. Буларнинг мавжудлиги эса шахснинг баркамоллиги, унда барча инсоний фазилатлар мавжудлигининг муҳим мезонларидан ҳисобланади.

Ўсмир бирор бир касбни танлар экан, ўзи танлаган мутахассисликни эгаллаш учун ўзида қандай шахсий хислатлар бўлиши кераклигини яхши билиши керак, шу орқали юқори мақсадларга эришиши мумкин бўлади. Бунинг учун эса унга фақатгина тор доирадаги касбига оид билимларгина эмас, балки ўзбек миллатига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган инсоний хислатлар, урф-одатлар, удумларни мукамал билиши керак, улардан фахрланиши, ўзининг касби билан бевосита боғлиқ жаҳонга машҳур аждодларимиз шахсий ҳаётлари ва фаолиятларини чуқур ўрганиб, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини туйиши жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам янги таълим стандартлари доирасида мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда ҳар бир педагогдан ўсмирнинг иқтидори, унинг қизиқишлари, маънавиятини оширишни талаб этади.

Ўсмирга бирор бир ғояни сингдиришда идеаллар жуда муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи тарбияланувчисини кимнинг ўрнида кўришни хоҳласа, уни тарбияланувчи кўзида идеал даражасига етказа олиши керак бўлади. Масалан, ўспириннинг идеали унинг отаси, у отасидай учувчи бўлмоқчи, у яқин орада бу мақсадга эришиб билмайди, лекин унга интилади, ўзида отасида бор хислатларни такрорлашга ҳаракат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат ўсмирнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, унинг дунёқарашини ва эътиқодини шакллантириш масаласи. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин: Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, оилага, ахлоқ меъёрларига, гўзалликка ва шунга ўхшаш. Агарки, инсонда бирор нарсага эътиқод шаклланган бўлса, у яхши, одамларга, жамиятга нафи тегадиган бўлиб етишади. Масалан, Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти халққа ва миллатга фидоийликнинг намунаси сифатида, туркий халқлар адабиётига асос солишга бағишланганлиги, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломаларимизнинг илм ва ижод йўлидаги қатъиятлари, эришган ютуқлари эътиқодлилиқнинг ёрқин намунасидир.

Демак, ҳақиқий эътиқоди кучли инсон илмга интилади, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилади, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, буюкларга ҳавас қилади. Агар ўсмирларимизда Ватанга меҳр, ота-боболаримизга ҳурмат, юртимиз келажагига ишонч ҳислатларини эътиқод даражасига чиқаришга эришсак, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш, деган буюк мақсадимизга эришган бўламиз. Шахсдаги эътиқодлилиқ ҳам, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси ҳам – инсондаги журъат, фидоийлик, ҳалоллик, ирода, виждон, қатъиятлилиқ, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қатор ижобий сифатлар билан боғлиқдир.

Ўсмир-ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш ўта масъулиятли вазифа бўлиб, бу иш бевосита профессор-ўқитувчилардан ўта юксак педагогик маҳоратни, педагогик этика ва инсоний маданиятни талаб этади. қайси фандан дарс беришидан қатъий назар бугунги ўсмир олдига кирадиган маърузачи-педагог ўз қарашлари, фанига муносабати, ўзбеклар тарихи ва маданиятини чуқур билиши ва эътиқоди билан бола шахсига таъсир этиш масъулиятини унутмаслиги керак.

Ўсмир-ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг бевосита иштирокчилари ва масъуллари ҳисобланувчи педагоглар қуйидаги ҳислатларга эга бўлишлари лозим:

1. Жамиятда ўз мавқеларига эга бўлишлари, бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишлари зарур. Агар ўқитувчи маънавий қашшоқ, таъмагир бўлса, аудиторияда ҳеч қандай натижага эриша олмайди.

2. Мустақил фикрга эга бўлишлари керак. Шундагина улар ўсмирларда мустақил фикрлаш, ўз мулоҳазаларини эркин баён этиш кўникмаларини шакллантира оладилар.

3. Улар ўзлари яшаётган жамиятда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини тез ва тўғри англай олишлари, миллат тарихи ва маданиятидан хабардор бўлишлари, ватанпарварлик ҳислатига эга бўлишлари лозим.

4. Улар миллий истиқлол ғояси ва мафкура асосларини тўғрисидаги билимларга эга бўлиш, улар ҳақида ўсмирларни хабардор эта олишлари керак.

5. Таълим-тарбия жараёнига янгича ёндошишлари, педагогик фаолиятларида илғор технологияларни самарали қўллай олишлари мақсадга мувофиқ.

6. Ҳар бир дарснинг муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири ўқитувчи ва ўсмирлар ўртасида самимий, ўзаро ҳамкорликка асосланган муносабатни қарор топтира олиш саналади.

Ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда асосан улар ўқийдиган, ўрганадиган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий-ахборот воситалари, мулоқот жараёнлари, бевосита уларга ўқитиладиган фанлар) - шаклланадиган янгича тасаввурлар, янгича тарбия ва янгича дунёқараш учун заминдир.

Олий ўқув юртлари ўсмирларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш бевосита ота-оналарнинг ва тарбиячи профессор-ўқитувчиларимизнинг саводхонлиги, уларнинг тарбияланганлик даражалари билан ҳам боғлиқдир.

Шахс маънавияти, тарбияси, дунёқараши – асосан оиладан бошланади. Ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси дастлаб фарзандларимизга боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали сингдирилади. Оиласини севган, яқинларини эъзозлаган тарбияланувчи шахс ҳеч қачон Ватанига қарши бўлмайди, уни севади, ардоқлайди, келажаги учун курашади. Ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси, авваламбор, ўзбек оиласидаги тарбия анъаналари ва уларни такомиллаштириш, миллий қадриятларимизни турмуш тарзининг ажралмас бўлагига айлантириш, ўзаро мулоқотда Шарқона маданият ва замонавий шаклларни уйғунлаштириш, халқимизга ота-мерос меҳнат тарбияси, унинг фаровон ҳаётнинг асоси сифатида қадрланишига эришиш орқали шаклланиб боради. Ота-она оилада боланинг нима иш билан шуғулланиши, қандай китобларга қизиқиши, қандай фильмлар томоша

қилиши, қандай муסיқага қизиқиши, касб танлашдаги интилишлари каби ҳаракатларини кузатиб, уларни назорат қилиб, маслаҳатлар бериб бориши лозим бўлади. Бу ўринда ота-онанинг саводхонлик даражаси ҳам инобатга олиниши керак бўлади. Оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ҳаётимизга сингдириш, болаларимизда қадриятларимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш, "Ватан остонадан бошланади",- деган пурмаъно ҳикматнинг мағзини чақиш, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини сингдиришнинг қандай натижаларга олиб келиши, баркамолликка эришган фарзандимиз оиласининг юзини ёриқ қилиши каби тушунчаларнинг маъносини, аввало, ота-оналаримиз англаб етсалар, болаларимиз билан таълим муассасаларида ишлаш осонроқ кечади.

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнининг мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин: ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш ижтимоий зарурият бўлиб, бу муаммонинг ҳал этилиши миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллатнинг халқаро майдондаги обрўсини оширишга хизмат қилади. Ўқув фанларининг ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш имкониятини аниқлаш, педагогик шарт-шароитлар, омилларни ўрганиш, таълим ва тарбиявий ишлар мазмунида бу масаланинг акс этишига эришиш, тарбиявий ишларни ўсмирлар ўртасида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантирувчи ғояларнинг тарғиб этилишига қаратиш зарур. Шу билан бирга ўқув-тарбия жараёнида ўсмирларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишларига ёрдам берувчи самарали шакл, метод ва воситаларни белгилаш ҳам муҳимдир.

Таълим муассасаларида ўсмирларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлашда микро ва макромухитларнинг таъсири кучлидир. Шу боис ўсмирлар мансуб бўлган муҳитда ижтимоий соғлом муносабатларнинг қарор топишига эришиш ниҳоятда муҳим.

Демак, таълим муассасаларида ўсмирларнинг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлашда бу жараённи яхлит

ташкил этиш, унда ҳар бир самарали омилдан мақсадли фойдаланиш, имкониятларни кўра олиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

2.3. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш методлари

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида йиғилиш аҳлига хитоб билан шундай деган эди: "Азиз дўстлар, ... кўпчиликни ўйлантириб турган бир масалага диққатингизни қаратмоқчиман. Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун матбуотимизда, радио-телевидениеда, адабиёт, кино ва театр, умуман, санъат соҳасида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек сингари умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг тарихий хизматлари кенг ёритилаётгани, шу асосда уларнинг бизга қолдирган ўлмас меросидан ҳозирги авлод қалбига ифтихор туйғуси ўйғонаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди. Албатта, бундай улуғ сиймоларнинг бебаҳо мероси миллатимиз, халқимиз ғурурига ғурур қўшиб, бизнинг ана шу улуғ мутафаккирлар, арбоблар ва азиз авлиёларнинг ворислари сифатида ягона халқ бўлиб яшашимизга куч-қувват бағишлаб, қаддимизни тик тутиб, эртанги кунга ишонч билан боришимизга мустаҳкам замин бўлади".

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз нутқида фақат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонлари, илғор замондошларимизни ҳам миллат, халқ минбарига кўтариш, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш кераклигини таъкидлаган эди. Токи, улар ёшлар учун том маънодаги ибрат намунаси бўлиши, ёшлар улар билан ғурурланишлари лозимлигини кўрсатган эди.

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш йўлида ташкил этилаётган таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир:

1) ташкилий жихат - тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан жиддий ёндашиш, мақсаднинг аниқлиги, вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги, жараёнда қўлланилаётган шакл, метод ва воситаларнинг мақбуллиги, натижаларнинг таҳлил этишга этарли даражада эътиборнинг қаратилиши, холис баҳо берилиши;

2) субъектлар фаолиятини акс эттирувчи жихат - тадбирнинг уюштирилиши, ташкил этилиши ва ўтказилишига масъул бўлган шахсларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятига эга эканликлари, педагогларнинг раҳбар сифатида ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатишлари, мавжуд камчиликларни илғай олишлари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилашда тезкор ҳаракат қила олишлари, ўқувчиларнинг алоҳида фаоллик кўрсатишлари, тадбирлар савиясининг ғоявий-сиёсий жихатдан юқори даражада бўлишини таъминлашга имкон берувчи мулоҳазаларни илгари сура олиши, мустақил ҳаракат қила олишлари ва бошқалар.

Ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини англашга йўналтирилган «... маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда ўзлаштирилиши муҳим бўлган қоидалардан яна бири тарбиявий тадбирларнинг ижтимоий фойдали йўналишда ва ижодий характерда бўлишидир. Яъни, тадбирлар улар билан камраб олинган ўқувчи ёшларда ижодкорлик ҳисси ва куч-ғайратини ривожлантириш, ўз жамоаси, халқи учун фойдали фаолиятга интилишини кучайтиришга хизмат қилмоғи керак» .[27.876]

Таълимий ва тарбиявий фаолиятга нисбатан ноанъанавий ёндашув айтилган вақтда «технологик ёндашув» номи билан ҳам юритилмоқда. Республика узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва бош вазифаси мазкур тизимни технологиялаштиришдан иборатдир. «Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган

даврда илк бора ўртага ташланди» [47,8].

Педагогика таълим муассасалари ўқувчиларида «... миллий онг, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш учун ўзбек миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, халқимизнинг бой тарихий ўтмиши, маданий меросини мужассамлаштирган турли-туман суҳбатлар, мусобақалар, кечалар, беллашувлар каби тадбирлар ўтказиш ҳозирги маънавий-маърифий ишларнинг таркибий қисмидир» [67, 6].

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар ўқувчиларни қамраб олиш кўламига кўра қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Муайян ўқувчи билан яқка тартибда амалга оширилувчи тадбирлар.
2. Маълум гуруҳ ўқувчилари иштирокида ташкил этилувчи тадбирлар.
3. Бир неча гуруҳларни қамраб олган ҳолда ўтказилувчи тадбирлар.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш мақсадида мумкин қадар самарали, таъсирчан тадбирларни уюштиришга алоҳида эътиборни қаратдик. Бу борадаги педагогик фаолиятнинг қуйидаги шакллар ёрдамида амалга оширилиши тадбирларнинг самарали бўлишини тасдиқлади.

«Миллий ғурур, ижтимоий бурч ва ифтихор ва миллий ўзликни англаш ва уларнинг моҳияти», «Шахсда ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғусини қандай шакллантириш мумкин?» мавзусидаги суҳбатлар асосан гуруҳларда ташкил этилди. Суҳбатлар учун мавзуга доир саволлар олдиндан тайёрланиб, иштирокчилар эътиборига ҳавола этилади. Суҳбат чоғида барча иштирокчиларнинг фаол иштирок этишлари, ўз шахсий мулоҳазаларини ифода этишлари учун шароит яратилади. Ана шу мақсадда интерфаол методлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Қарорлар шажараси», «Тафаккур чўққиси», «Юмалоқланган қор ўйини» ҳамда «Кластер» методлари ёрдамида ўқувчилар ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғусининг моҳияти, унинг шахсда намоён бўлиши ҳақидаги фикрларини тенгдошлари билан ўртоқлашадилар.

Суҳбат мақсади: Ўқувчилар томонидан ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғуси моҳиятининг англаниш ҳолати, уларнинг бу тўғрисидаги шахсий мулоҳазаларини аниқлашдан иборат.

Суҳбат мазмунининг умумий моҳияти: ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғусига эгаллик шахснинг муайян миллат вакили сифатида ўз эли, миллати тақдирига бефарқ бўлмаслик, унинг тараққиётини таъминлаш, шунингдек, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва обрўсини ошириш йўлида хизмат қилиш шарафли бурч эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ўқувчиларда ҳосил қилиш; уларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эга бўлишдек ички заруриятни юзага келтириш.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган саволлар:

1. Сиз ижтимоий бурч ва ифтихор деганда нимани тушунасиз?
2. Сизнинг фикрингизча, ватанпарварлик нима?
3. Миллий ўзликни англаш - шахс сифатида ўз кадр-қимматини баҳолашми? Бу ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?
4. Қандай шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси мавжуд дейиш мумкин?

«Шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини қандай шакллантириш мумкин?»

мавзусида олиб борилган суҳбат ҳам ўзида умумий мақсадни акс эттириши билан бирга хусусий мақсадни ҳам ифодалади. Яъни, суҳбатнинг мақсади: ўқувчиларни шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини ҳосил бўлишига ёрдам берувчи омиллардан хабардор этиш ва уларнинг эътиборларини мазкур омилларга қаратишдан иборат этиб белгиланди.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган саволлар:

1. Шахсда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар нималардан иборат?
2. Сизнинг фикрингизча, миллий давлат рамзлари ижтимоий бурч ва ифтихорни ҳис этишга ёрдам берадими?
3. Миллий кадриятларнинг шахсда ижтимоий бурч ва ифтихорни

туйғусини шакллантиришдаги аҳамиятини қандай баҳолайсиз? Фикрингизни далиллар билан асосланг.

4. Тарихий шахслар фаолияти шахсан Сиз учун ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғусини ҳис этишингизга ёрдам берганми?

5. Қайси ўзбек алломалари томонидан яратилган илмий кашфиётларни ижтимоий бурч ва ифтихорни англашдаги аҳамиятини юқори баҳолаган бўлар эдингиз?

6. Сизнинг фикрингизча, тарихий меъморий ёдгорликларнинг ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихорни туйғусини шакллантиришдаги роли қандай?

Суҳбатнинг бориши:

1- босқич: Ўқувчиларга суҳбат жараёнининг умумий моҳияти ҳамда «Тафаккур чўққиси» ва «Юмалоқланган қор ўйини» каби интерфаол методлар билан ишлаш қоидалари ҳақида маълумотлар берилади.

2- босқич: Ўқувчилар олти гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга биттадан савол берилади ва уларнинг савоблари асосида мунозаралар ташкил этилади.

3- босқич: Ўқувчилар қайтадан 5 та гуруҳга бўлинадилар. Ушбу жараёнда китоб, ручка, чизғич, глобус ва сумка тасвири туширилган карточкалардан фойдаланиш мумкин. Карточкаларнинг сони ўқувчиларнинг умумий сонига тенг бўлади. Ҳар бир гуруҳга қуйида мавзуларда кичик журнал тайёрлаш вазифаси топширилади:

I. «Миллий кадриятлар ва ёшлар тарбияси».

II. «Миллий давлат рамзлари ва ижтимоий бурч ва ифтихор».

III. «Аждодлар жасорати - бизларга ўрнак».

IV. «Миллат номини улуғлаган илмий кашфиётлар».

V. «Тарихий ёдгорликлар - ижтимоий бурч ва ифтихор ифодаси».

4- босқич: Ўқувчилар даврий нашрлар чоп этилган миллий менталитет ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги мақолаларнинг асосий ғоялари билан таништириладилар.

5- босқич: қисқа муддатли савол-жавоб асосида суҳбатга

якун ясалди. Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда баҳс- мунозаралардан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар беради. Ушбу фикрни инобатга олган ҳолда тажриба-синов ишлари жараёнида «Ёшлар ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига туйғусига эгамилар? ҳамда «Замонавий ўзбек кишиси қандай бўлиши зарур?» мавзулардаги баҳс- мунозаралар ташкил этилди. Баҳс-мунозара жараёнида ташаббус тўла равишда ўқувчилар «қўлида» бўлишига эътибор қаратилди ва бу борада илгари сурилаётган ғояларга қатъий амал қилинди.

Ўқувчилар билан биргаликда мунозара ўтказилди ва мунозараларда ёритилиши кўзда тутилган таянч тушунчалар: ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ватанпарварлик, фидоийлик, миллий қаҳрамон, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига баҳо бериш.

Мунозара учун ўқувчилар эътиборига қуйидаги саволлар ҳавола этилди:

1. Сиз қандай фикрдасиз, бугунги кун ёшлари ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусига эгамилар?
2. Замонавий ёшлар миллат равнақи, халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қила оладилар деб ўйлайсизми?
3. Бугунги кун қаҳрамонлари бўлган тенгдошларингиз тўғрисида мисоллар келтира оласизми?
4. Замонавий ўзбек кишиси қандай бўлиши керак?
5. Сиз ўзингизни замонавий ўзбек ёшларининг типик вакили дея ҳисоблай оласизми? Фикрингизни далиллар ёрдамида асосланг.
6. Қандай фикрдасиз: замонавий миллий қаҳрамон бўла олишингиз учун Сизда нима этишмайди?

Мунозаралар қуйидаги босқичларда ташкил этилди:

1- босқич: мунозара иштирокчиларига мунозарани ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва амалга оширилувчи вазифалар тўғрисида маълумотлар берилди.

2- босқич: умумий ҳолда ўқувчиларга қуйидаги савол берилди - «Сиз қандай фикрдасиз, бугунги кун ёшлари ижтимоий бурч ва

ифтихор туйғусига эгамилар?»).

3- босқич: «Ақлий ҳужум» методини қўллаш асосида ўқувчилар оммавий равишда «Замонавий ёшлар миллат раўнақи, халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қила оладиларми?» деган масаланинг эчимини топишга уриндилар.

4- босқич: ўқувчиларга «Кичик гуруҳларда ишлаш» методи асосида ўқувчилар гуруҳларга бўлиндилар. Ҳар бир гуруҳга бугунги кун қаҳрамонлари бўлган тенгдошларининг рўйхатини яратиш вазифаси юклатилди. Бу ўринда уларга қуйидаги 2-жадвал тавсия этилди:

5- босқич: Гуруҳлар томонидан тузилган рўйхат асосида ягона рўйхат тузилди ва мунозара якунлари тўғрисида ўзаро фикр алмашинди, якун ясалди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланиш ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришда самарали эканлиги аниқланди:

1. Сухбат методи - ўқувчиларнинг миллий ғурур ва ватанпарварликни туйғуси тўғрисида тушунчага эғаликларини англаш, уларнинг ёшларда ушбу туйғуни шакллантириш борасидаги фикрларини ўрганиш ҳамда муаммо юзасидан эркин, мустақил фикр юритишларини таъминлашга ёрдам беради.

2. Савол-жавоб методи - Олий таълим муассасалари ўқувчиларининг ижтимоий бурч ва ифтихор туйғуси ҳақидаги шахсий мулоҳаза ва қарашларини аниқлашга хизмат қилади. Саволларнинг аниқ, қисқа бўлиши ва тўғри фойдаланиши ўқувчилар учун мантиқий фикрлашга имкон беради.

3. Маъруза методи - тажриба-синов иштирокчиларига ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг моҳиятини англатиш, унинг луғавий маъносини тўғри тушунтириш, шахсда сўз юритилаётган туйғуни шакллантириш омиллари, шарт-шароитлар ва педагогик имкониятлари тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилади.

4. Тушунтириш методи - ўқувчиларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тушунчасининг назарий моҳияти ва унга эга бўлишнинг ижтимоий аҳамияти,

миллат равнақи, юрт озодлигини таъминлашдаги роли ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади.

5. Фаолиятда машқлантириш (амалий машқлар) методи - интеллектуал тренинглар асосида оқувчиларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши учун шароит юзага келади.

6. Интерфаол методлар - оқувчилар томонидан миллий ғурур ва ватанпарварлик тушунчаси ҳамда шахсда мазкур туйғунинг шаклланиши юзасидан эркин, мустақил фикр юритиш, баҳс-мунозарани ташкил этиш кўникма ва малакасининг тарбияланиши, оқувчиларнинг стандарт фикр юритишдан озод этиш, шунингдек, муҳокама этилаётган муаммонинг эчимига оид ранг-баранг ғояларни тўплашга имкон беради.

7. Эксперт баҳолаш методи - тадбирлар иштирокчилари (респондентлари) фаолиятининг тенгдошлар томонидан ўзаро ёки махсус белгиланган экспертлар гуруҳи томонидан ҳолис, объектив, ҳар томонлама тўғри баҳолалишини таъминлашга ёрдам беради.

8. Ҳикоя қилиш методи - ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг ижтимоий аҳамияти, ана шундай туйғуга эга бўлган тарихий шахслар, бугунги кун қаҳрамонларининг фаолияти, ёшларда сўз юритилаётган туйғуни тарбиялаш юзасидан жонли нутқ ёрдамида тушунтиришларни олиб бориш ҳисобланади. Тушунтириш ўқувчилар томонидан муаммонинг моҳиятини тўғри англанишига имкон яратади.

9. Манба билан ишлаш методи - миллий ғурур ва ватанпарварликни тушунчаси моҳиятининг оқувчилар томонидан тўғри ва тўлақонли англаниши, уларнинг эътиборига ҳавола этилаётган саволлар, муаммоли вазиятлар бўйича кичик тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш кўникма ҳамда малакаларига эга бўлишларига ёрдам беради.

10. Кўргазмалилик методи - ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаётган назарий маълумотларни мустаҳкамлаш, ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусининг моҳиятини тўлақонли англаниши, билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларининг тарбияланиши учун зарур шароитни юзага келтиради.

Ўсмирларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнида бир қатор таълимий ва тарбиявий воситалардан ўринли, мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Мазкур ўринда қуйидаги воситаларнинг самарадорлиги аниқланди:

1. Техник қурилмалар - компьютер, видео ва аудио магнитофонлар, нусха кўпайтириш қурилмаси, радио, телевизор ва бошқалар.

2. Ёзма манбалар - илмий, илмий-оммабоп, оммабоп ва бадиий адабиётлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий ҳужжатлар, луғатлар.

3. Моддий ашёлар - иш юритиш қуроллари (иш қоғози, ручка, ёзув тахтаси, фломастерлар, скотч).

Ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган бой маънавий меросга эгамизки, бу ёшларда ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш учун муҳим дидактик восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу материалларни коллежларда Ўзбекистон тарихи, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, адабиёт тарихи каби ўқув фанлари мазмунига сингдириш, аудиториядан ташқари ишлар жараёнида уларни ўқувчиларга махсус рисолалар тарзида тақдим этиш вақти келди.

2- боб бўйича хулосалар

Ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, унинг миллий маданияти, илм-фан, санъат ва адабиёт соҳасида эришган ютуқлари, оилавий турмуш тарзи, бола тарбиясида қўлланган усул ва тадбирларида намоёндыр. Миллий урф-одатлар, анъаналар, маданий мероси - бу ноёб ёдгорлик, барча маънавий бойликларнинг таркибий исми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг ютуғидир. Миллий маданият ва меросни ўсиб келаётган авлодга этказиш, улардан тўғри хулосалар чиқариш, улар билан фахрланиш ва улар орқали ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш яхши натижалар беради.

Ўзбек халқи тарихига, маданий меросига ҳурмат - бу унинг яратувчиларига, ривожлантирувчиларига ва давомчиларига иззат-икром, меҳроқибат демакдир. Ўтмишдошларимизга биз қандай муносабатда бўлсак, фарзандларимиздан бизга шундай жавоб қайтишлигини ўқувчиларимизга тушунтириш масаланинг муҳим жиҳатларидан бири. Ўтмишимизни қанчалик пухта билиш ва эъзозлаш, Республика мустақиллиги истиқболининг моҳияти шунчалик чуқур англашга ёрдам беради.

Ўсмирларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини шакллантириш йўлида ташкил этилаётган таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг пухта режа асосида самарали ташкил этилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларида ижтимоий бурч ва ифтихор туйғусини туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ўз кўламига гуруҳларда амалга оширилади. Ушбу жараёнда ойлик ва йиллик тадбирлар режасини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, ўқув-тарбиявий ишларни муайян тизим асосида, изчил ва узлуксиз ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Таъсирчан воситалардан фойдаланиш оқувчиларда тадбирларнинг уюштирилишига нисбатан бефарқ бўлишларига имкон бермайди, аксинча, қизиқишларини оширади.

3) Муаммога оид манбаларда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбияловчи таълимий-тарбиявий ишларни ташкил этишда амал

қилиниши зарур бўлган қоидалар тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Таълимий ва тарбиявий фаолиятга нисбатан ноанъанавий ёндашув айтилган вақтда «технологик ёндашув» номи билан ҳам юритилмоқда. Республика узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва бош вазифаси мазкур тизимни технологиялаштиришдан иборатдир. Тажриба-синов ишлари жараёнида тадбирларни муайян лойиҳа асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирларни ўтказиш чоғида «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Қарорлар шажараси», «Тафаккур чўққиси», «Юмалоқланган қор ўйини» ҳамда «Кластер» методларидан фойдаланилди.

